Өзбек халқы үйсәк меҳкиби Конуғи гермесини Кутемуог
Өзбек эли мүстақиллик олий мәбтәбәли мерәсәтә Кутлайды

Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 84 (21. 203) 1992 йил 28 апрель, сешанба ●

БАҲОСИ 1 СЎМ.



● Икки қардош халқ, икки қондош мамлакат — Ўзбекистон ва Туркия муносабатларида янги саҳифа

● Туркия диёрида бошланган ҳамкорлик йўли Ўзбекистон ўлкасида давом эттирилмоқда

● Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида тан олинишида Туркия давлатининг тутган йўли ҳамиша эътиборлидир. Бундан кейин ҳам дўстона алоқаларимиз равнақ топаверишига ишончимиз комил

Тошкент аэропортида кутиб олиш.

Суратларни махсус мухбиримиз В. МОЛГАЧЕВ олган

ТУРКИЯ БОШ ВАЗИРИ ТОШКЕНТДА

● 27 апрель куни Ўзбекистон ва Туркия Республикаларининг давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропорти чинакам байрам тусини олди.

Эрталабданоқ бу ерга азиз меҳмонларни кутиб олиш учун келаётган жамоатчилик вакилларининг қўлларида ҳилпираб турган бир-бирига ҳамкор давлатларнинг жажжи байроқчалари, мустақил ўлканинг илк баҳори неъматлари — анвойи гуллар, карнай-сурнай нағмалари, бариси киши қалбига оламжаҳон руҳ бағишлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган кунданоқ ҳамкор турк халқи ва унинг мурувватли йўлбошчилари мададга келдилар. Ота-боболаримизнинг дўстнинг кимлиги оғир кунингда билинади, деган доно нақли яна бир бор ўз исботини топди.

Туркия ҳукуматининг истиқлол йўлида эндигина оёққа тураётган Ўзбекистон халқига кўрсатаётган инсонпарварлик ёрдамини ҳисоблаб адоғига етиш қийин. Шу пайтгача турк биродарларимизнинг ўнлаб гуруҳ ишбилармонлари, саноатчи-тижоратчилари, парламент аъзолари, ҳукумат вакиллари Ўзбекистонга келиб, жумҳуриятимиз ҳаёти, аҳолиси, турмуш тарзи билан танишиб, ўзларининг беминнат ёрдамларини кўрсатиб, фикр ва мулоҳазаларини изҳор этдилар. Ўз навбатида Ўзбекистон томонидан ҳам ана шундай ҳамкорлик тадбирлари белгиланиб, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилинянти.

Туркия ҳукуматининг ўзбек ўғил-қизларини Анқара ва Истамбул дорилфунунларига ўқишга жалб қилиб, Ўзбекистон келажаги учун зарур бўлган малакали мутахассислар тайёрлашга берган кафолатининг ўзиёқ мана шундай ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг ёрқин намунасидир. Фақат булар эмас. Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида тан олинишида, обрў-эътиборга эга бўлишида, хусусан бозор иқтисоди муносабатларига ўтишида, саноат, ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида мадад қўлини чўзаётгани Туркия давлатининг бундан кейин ҳам мустаҳкам таянчимиз бўла олишидан далолатдир. Шунинг учун ҳам бугун Ўзбекистонга расмий ташриф буюрган Туркия Бош вазири Сулаймон Демирэл жаноблари раҳнамо бўлган нуфузли расмий делегацияни тантанали кутиб олиш мақсадида бу ерга йиғилган тошкентликларнинг олқишлари табиий, саломлари самимийдир.

Маҳаллий вақт билан соат 14 да келиб қўнган Сулаймон Демирэл бош бўлган расмий делегациянинг махсус «Гольфстрим» самолёти Тошкент аэропортидаги тантана руҳига салобат бағишлади. Меҳмонларни аэропортда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов рафиқаси билан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдуразоқов, Тошкент шаҳар ҳокими А. И. Фозилбеков, Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Вўлқон Чўтур ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Азиз меҳмонларга нон-туз тутилди, гуллар тақдим этилди.

Сулаймон Демирэл ва Ислом Каримов Туркия телевидениесининг бу ерга ўрнатилган «Шошилинч хабар маркази» ва маҳаллий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатлашдилар.

Жумладан, Сулаймон Демирэл бугун Тошкентга келиб, ўзбекистонлик қардошларим, қадрдон дўстим Ислом Каримов билан диддор кўришаётганимдан бахтиёрман, уларга Туркия халқи номидан оташин саломлар олиб келдим, деди. Мен Ўзбекистон Республикаси мустақиллик эълон қилган кундан бошлаб дўстлик, ҳамкорлик ва тинчлик сиёсатини тутиб келаётганидан беҳад миннатдорман. Биз қадрдонларимиз билан бундан буён ҳам ҳар соҳада мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиш, бошлаган ишларимизни давом эттириш учун бу ерга келдик.

Ўзбек халқининг фаровон кунлари жуда яқин. Унинг дунёдаги тараққий этган давлатлар қаторидан ўрин олишига ишонаман. Чунки Ўзбекистон ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам жуда етук алломаларни дунё маданиятига етиштириб берган катта ватандир. Биз Туркияда Ўзбекистонни ота-боболаримиз юрти, юртдошларимизнинг ватани сифатида биламиз, деди Туркия Бош вазири.

Ҳозирги дунё шароитида барча давлатлар ўзаро ҳамкорликда муштарак муаммоларни ҳал қилишлари одат тусига айланиб қоляпти. Мен бу ерга келаётиб Ўрта Осиёнинг барча республикаларида бўлишни, азиз қардошларимиз билан учрашишни ният қилдим, деб сўзини якунлади С. Демирэл.

Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия жумҳурияти Бош вазири Сулаймон Демирэл ва унга ҳамроҳлик қилаётган расмий делегация вакилларини мустақил Ўзбекистон тупроғига қадам қўйишаётгани билан табриклаб, бундан кейин Туркия билан Ўзбекистон дўстлиги, ҳамкорлиги жуда кенг миқёсларда давом этажаклигини айтди.

Ўзбекистон билан Туркияни боғлаб турган жиҳат — тарихий қардошлик, дўстлик алоқаларидир. Биз Туркия тимсолида ўз келажагимизни кўриб турибмиз. Чунки Туркия ҳам биз бугун босиб ўтаётган йўлларни бошидан ўтказганлиги шундай фикрга келишимизга асос бўлди, деди Ислом Каримов ўз сўзининг охирида.

Шундан сўнг Туркия Республикаси Бош вазири С. Демирэл рафиқаси билан ўзлари учун ҳозирланган шаҳар чеккасидаги «Дўрмон» қароргоҳига, Туркия жумҳурияти ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин рафиқаси билан ва Туркия Жумҳурияти делегациясининг бошқа аъзолари «Дўрмон» меҳмонхонасига йўл олдилар:

Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги.

ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

«Хуш келибсиз, туркиялик азиз дўстлар!», «Дўстлик, қардошлик, ҳамкорлик!» Туркия Республикаси расмий делегациясининг аъзоларини Ўзбекистон парламенти аъзолари ана шундай лўнда ва сермазмун шиорлар билан кутиб олдилар. Учрашувда вилоятларнинг ҳокимлари, республика вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари ҳам иштирок этдилар.

Халқ нойблари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов билан Туркия Республикасининг Бош вазири С. Демирэлни қарсаклар билан кутиб олдилар. Бу фақат ҳурмат-эҳтиром белгиси эмас. Ўзбекистоннинг кўп миллионли халқи келажак умидларини шу қардош мамлакат билан боғламоқда. Чунки, бу мамлакат саноқли йиллар ичида иқтисодиётда улкан бурилиш ясаб, энг ривожланган давлатлар қаторига чиқиб олди.

Мустақил Ўзбекистон амал қилишни мўлжаллаётган Туркия модели демократик ўзгартишлар йўлига ўтиб олган давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун яхши истиқболлар очиб беради.

Ўзбекистонликлар қардош турк халқига алоҳида ҳурмат билан қарайдилар. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини биринчи бўлиб айни Туркия тан олганлигини, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик асосида муносабатлар ўрнатиб бошлаганлигини бу ерда яхши биладилар. Тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик эса икки давлат ўртасидаги дўстона алоқаларни янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевордир.

Парламент аъзолари билан учрашувда Туркия Республикасининг Бош вазири С. Дэмирэлни Тошкент шаҳри ҳокими А. И. Фозилбеков, Тошкент давлат дорилфунунининг ректори Т. Ж. Жўраев табрикладилар.

Тўпланганлар Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов ва Туркия Республикасининг Бош вазири С. Демирэл нутқини зўр эътибор билан тингладилар.

(Учрашув тўғрисидаги батафсил ҳисобот рўзноманинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

(ЎзА).

СУЛАЙМОН ДЕМИРЭЛ

ТУРКИЯ БОШ ВАЗИРИ ТАРЖИМАИ ҲОЛИДАН САТРЛАР

● Туркия Бош вазири, Тўғри йўл партияси (ТЙП) раҳбари Сулаймон Демирэл 67 ёшда. У касби бўйича қурувчи-муҳандис.

● Сулаймон Демирэл ўзининг сиёсий фаолиятини 60-йилларнинг бошларида бошлади.

● 1965 йилнинг октябрида у ҳукумат пиллапоясининг чўққисига кўтарилиб, мамлакат тарихидаги энг ёш Бош вазир бўлди.

● Сулаймон Демирэл туркларнинг, айниқса, деҳқонларнинг руҳиятини ва мусулмон аҳолининг кайфиятини нозик ҳис этади. Шу боис халқ билан тил топиша олади, мураккаб сиёсий вазиятлардан моҳирлик билан чиқа олади.

● Тўғри йўл партияси (ТЙП) ўтган йилнинг октябрида умумий парламент сайлови натижасида ғалаба қозонди. Сулаймон Демирэл партия раҳбари сифатида еттинчи марта Туркия ҳукуматига бошчилик қила бошлади.

● Бош вазир ҳукуматнинг асосий вазифаларини инсон ҳуқуқларига риоя этишдан ва мамлакатнинг Европа ҳамжамиятига кенг миқёсли иштирокини таъминлаш мақсадида унинг иқтисодиётини барқарорлаштиришдан иборат, деб белгилади.

● Сулаймон Демирэлнинг рафиқаси Назмия хоним эри билан бирга Туркиядаги жуда ўткир сиёсий курашнинг барча мураккаб йўлларидан ўтиб келмоқда.

БУЮК МУТАФАККИР ВА ШОИР ҲУРМАТИ

Туркия Республикасининг Бош вазири С. Демирэл 27 апрель куни кечқурун Ўзбекистон Миллий боғига борди. У буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Гул қўйиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Муталов, бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

(ЎзА).

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

25 апрель куни Туркия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Вўлқон Чўтур Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикасининг ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА

24 апрель куни Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Саудия Арабистонидаги «Даллоҳ ал—барака» тижорат банкининг президенти шайх Солиҳ Абдуллоҳ Камолни қабул қилди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда «Даллоҳ ал—барака» тижорат банки ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши мумкинлиги айтилди.

Араб дунёсида энг катта тижорат банкларидан бўлмиш «Даллоҳ ал—барака» банкининг бир қанча мамлакатларда уч юзга яқин саноат ва тижорат компаниялари бор, йигирматадан кўпроқ мамлакатда молия институтлари ишлаб турибди.

Шайх Солиҳ Абдуллоҳ Камол Тошкентда ҳам ўз банкининг бўлимини очиш, Ўзбекистон Республикаси Давлат банки ҳузурида Молия институти ташкил этиб, мутахассисларга бозор муносабатлари асосларини чуқур ўргатиш, шу мақсадда махсус дастурлар тайёрлаш, бу ишларга ажнабий иқтисодчи олимлар ҳамда ўқитувчиларни таклиф этиш нияти борлигини айтди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов шайх Солиҳ Абдуллоҳ Камолга ташаккур айтди, яхши ният билан амалга оширилаётган ишлар ҳамма вақт қўллаб-қувватланишини таъкидлади. Буларнинг ҳаммаси Саудия Арабистони билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

(ЎзА).

Ўзбекистон Халқ демократик партиясида сайловлар ва сайлаб қўйиладиган органлар таркибидан чақириб олиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Қурултой, умумпартия конференцияси, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар, шаҳарлар, районлар ва бошланғич ташкилотларнинг конференциялари Ўзбекистон ХДПда сайлаб қўйиладиган раҳбар органлар ҳисобланадилар.

2. Марказий Кенгаш, Ўзбекистон ХДП кенгашлари, Сиёсий ижроия комитет ва ижроия бюролар Ўзбекистон ХДПда сайлаб қўйиладиган ижроия органлар ҳисобланадилар.

Бошланғич ва цех партия ташкилотларида, партия гуруҳларида — партия ташкилотининг котиби ва унинг ўринбосари, партия гуруҳининг ташкилотчиси ва унинг ўринбосари сайлаб қўйиладиган ижроия фаоллар ҳисобланадилар.

Бошланғич партия ташкилотида ёки унинг қуйи бўғинларида, партия аъзоларининг сонидан қатъи назар, ижроия бюро сайлаш ҳақидаги масалани, фаолиятининг шароити ва моҳиятидан келиб чиқиб, бошланғич партия ташкилотининг ўзи ҳал қилади.

3. Конференция ва қурултойларда сайланадиган назорат (тафтиш) комиссиялари партиянинг сайлаб қўйиладиган назорат органи ҳисобланадилар.

4. Партиянинг раҳбар органлари бўлган конференциялар, қурултойлар делегатлари қуйи ташкилотларда уларнинг сонига қараб пропорционал вакиллик принциплари асосида сайланадилар.

5. Конференцияга ва қурултойга Низомда белгиланган муддатларда делегат сайлаш учун, тегишли ХДП кенгаши, бошланғич партия ташкилотларида — ижроия бюро қуйи ташкилотлар учун вакиллик меъёрини белгилайди, яъни қанча партия аъзосидан бир делегат сайланиши мумкинлигини аниқлайди. Белгиланган вакиллик меъёридан сони кам бўлган партия ташкилотидан битта делегат сайланади.

Партия қуйи ташкилотлари конференция ва қурултойларга делегатларни, ўзларининг таркибларига киradиган тузилмаларнинг фикрини албатта ҳисобга олиб, йиғилиш ва конференцияларда сайлайдилар.

Кўрсатилган номзодларни ўрганиш учун тегишли комиссиялар тузилиши мумкин. Вакилларини юқори ташкилот конференцияси ёки қурултойига йўллаётган ташкилот кенгаши пленумининг (бошланғич партия ташкилотларида ижроия бюро) қарорига асосан делегатларнинг бир қисми ёки барчаси ташкилотнинг, зарур ҳолларда белгиланган меъёрга тўғри келадиган сонгача ташкилот гуруҳларига бирлашган қуйи бўғинларида сайланиши мумкин.

6. Барча даражадаги партия ташкилотларининг кенгашлари қуйи ташкилотлар томонидан, белгиланган миқдор (квота) принципи бўйича ташкил қилинадилар. Тегишли кенгаш таркибига сайлаш бўйича белгиланган миқдор (квота) барча қуйи ташкилотлар учун бир хил белгиланади.

Район, шаҳар партия ташкилотлари кенгашларига одатда ҳар бир бошланғич партия ташкилотидан бир киши йўлланади ва сайланади.

7. Низомга мувофиқ конференция, қурултойларда, кенгаш аъзоларининг бир қисми делегатларнинг таклифлари ёки аввалги таркибдаги кенгашлар, уларнинг ижроия бюролари ҳамда юқори партия органлари тавсияси билан сайланиши мумкин.

САЙЛАБ ҚЎЙИЛАДИГАН ОРГАНЛАР ТАРКИБИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ ВА УЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ

8. Сайлаб қўйиладиган партия органларини тузиш ошкоралик вазиятида ўтказилади. Йиғилиш, конференция, қурултойнинг ҳар бир қатнашчиси номзодлар кўрсатиш ва рад этишда, жумладан ўз номзодини ҳам кўрсатишда чекланмаган ҳуқуққа эга.

Номзодларни кўрсатиш фақат йиғилиш, конференция, қурултой қарори билангина тўхтатилиши мумкин ва йиғилиш иштирокчиларининг, конференция, қурултой ишида қатнашаётган делегатларнинг ярмидан кўпи овоз берса қабул қилинган ҳисобланади.

9. Номзодлар муҳокамаси уларни кўрсатиш тартиби бўйича олиб борилади. Муқобиллик асосида ўтказилган сайловда, номзод рад этилган ҳолларда қўйилган номзодни ёқлаб ёки унга қарши фикр билдириш ҳуқуқи йиғилиш қатнашчиларининг, конференция, қурултой делегатларининг тенг сонига берилади.

10. Муҳокама давомида номзодларни рад қилиш ва ўз номзодига ўзи эътироз билдириш ҳоллари овозга қўйилади. Агар номзодни рад қилиш ёки ўз номзодига ўзи эътироз билдириш ҳолатини бошланғич ташкилот ҳисобида турган партия аъзоларининг ёки конференцияга, қурултойга сайланган делегатларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берса, қарор қабул қилинган ҳисобланади.

Рад қилинмаган номзодлар овозга қўйилмайди ва муҳокамадан кейин яширин овоз бериш рўйхатига киритилади.

Агар номзодлар муҳокама қилиниши ва номзодлар рад этилиши давомида рўйхатда белгиланганидан кам номзод қолган бўлса, йиғилиш қатнашчилари, конференция, қурултой делегатлари томонидан қўшимча равишда номзодлар кўрсатиш ва муҳокама қилиш юқоридаги тартибда ўтказилади.

САЙЛАБ ҚЎЙИЛАДИГАН ОРГАНЛАРНИ ТУЗИШДА ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ

11. Сайлаб қўйиладиган органларни тузишда овоз бериш йиғилиш, конференция, қурултой қарорига асосан очиқ ёки яширин бўлиши мумкин.

12. Партия йиғилиши, конференция, қурултой, кенгаш ёки назорат (тафтиш) комиссиясининг пленуми яширин овоз беришни ўтказиш учун саноқ комиссиясини сайлайди. Партия аъзолари сони кам бўлган ташкилотларда яширин овоз бериш ўтказилганда овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш йиғилишда раислик қилувчига ёки президиум аъзоларига топширилиши мумкин.

Саноқ комиссияси ўз таркибидан раис ва секретарь сайлайди, яширин овоз бериш учун бюллетенлар тайёрлайди, тўғри овоз берилишини назорат қилади ва берилган овозларни санайди.

Яширин овоз бериш сайлаб қўйиладиган органлар таркибига сайлаш учун кўрсатилган ва йиғилиш қатнашчилари, конференция, қурултой делегатлари томонидан маъқулланган номзодлар рўйхати бўйича тузилган бюллетенлар бўйича ўтказилади.

Бюллетенга номзодларнинг рўйхати алифбо тартибида ёзилади, бюллетенда сайлашга тавсия этилганларнинг фамилияларидан ташқари лавозимлари ва иш жойлари ҳам кўрсатилиши мумкин.

Яширин овоз беришни ташкил қилиш кабиналар ёки шу мақсад учун махсус ажратилган хоналар бўлишини тақозо этади. Сайлов қутилари муҳрлаб беркитилиши керак.

Сайлов комиссияси аъзолари овоз берувчиларга бюллетенларни рўйхат бўйича тарқатадилар.

Яширин овоз беришда қатнашаётган ҳар бир киши бюллетенда кўрсатилган номзодларни ўчириб ташлаш ёки янги номзодлар номини қўшиб ёзиш ҳуқуқига эга.

Муқобиллик асосида ўтказиладиган сайловларда, фақат белгиланган миқдордаги номзодларнинг сони қолдирилган бюллетенларгина ҳақиқий деб ҳисобланади.

Башарти муқобиллик асосида ўтказилган кенгаш котиби ёки кенгаш аъзоси сайловида кўрсатилган номзодлардан бирортаси ҳам овоз беришда иштирок қилганларнинг ярмидан кўп овозини ололмаган бўлса, у ҳолда энг кўп овоз олган иккита номзод бўйича қайта сайлов ўтказилади. Агар шунда ҳам овоз бериш ижобий натижа бермаса номзодларни кўрсатиш, уларни муҳокама қилиш ва овоз бериш янгидан ўтказилади. Бундай ҳолларда биринчи марта номзоди кўрсатилганлар янгидан кўрсатилиши ва муҳокама қилиниши мумкин.

Овоз беришда иштирок этган партия аъзоларининг ярмидан кўп овозини олган номзодлар сайланган деб ҳисобланади. Овоз беришда иштирок этганларнинг сони қутиларга ташланган бюллетенлар бўйича аниқланади.

Комиссия ишининг якунлари протоколлаштирилади.

Саноқ комиссияси ёки овоз бериш учун масъул киши яширин овоз бериш натижаларини йиғилишга, пленумга, конференцияга, қурултойга ҳар бир номзод бўйича алоҳида-алоҳида маълум қилади. Овоз бериш натижалари йиғилиш, конференция, қурултой, партия кенгашининг пленуми ёки назорат комиссияси томонидан тасдиқланади ва йиғилиш протоколига киритилади.

Яширин овоз беришга доир барча ҳужжатлар муҳрланиб, партия ташкилотларида навбатдаги сайловгача сақланади ва кейин акт тузиб йўқ қилинади. Ушбу материаллар фақат сайловни ўтказган саноқ комиссияси аъзолари иштирокида очилиши мумкин.

13. Очиқ берилган овозларни санаш учун йиғилиш, пленум, конференция, қурултой президиуми саноқчиларни тайинлаши мумкин. Бундай ҳолларда сайлов натижаларини умумлаштириш президиум аъзоларидан бирининг зиммасига юкланади. Номзодлар таклиф қилинган тартибда овозга қўйилади.

Сайлов давомида кўрсатилган номзод етарли миқдорда овоз ололмаган тақдирда, пленум, конференция, қурултой бошқа қарор қабул қилмаса, қарши берилган овозлар саналмайди.

Муқобиллик асосида ўтказилган сайловда очиқ овоз бериш тартиби йиғилиш, пленум, конференция, қурултой томонидан белгиланади. Сайловда иштирок қилувчи, бундай ҳолларда сайланиши мумкин бўлган номзодлар сонигагина овоз бериши мумкин.

Кўп сменали тартибда ишлайдиган ёки ҳудудий жиҳатдан жуда тарқоқ партия ташкилотларида сайловлар сменалар бўйича ёки бир неча партия шўъбаларининг қўшма йиғилишларида ўтказилиши мумкин. Берилган овозларнинг умумий ҳисобини, партия шўъбалари (сменалари) йиғилишлари президиумларининг ва саноқ комиссияларининг вакиллари амалга оширадилар. Сайлов натижалари партия аъзоларига тегишли йиғилишларда маълум қилинади.

САЙЛАБ ҚЎЙИЛАДИГАН ОРГАНЛАР ТАРКИБИДАН ЧАҚИРИБ ОЛИШ ВА ЧИҚАРИШ

14. Ўзбекистон ХДП аъзоси сайлаб қўйиладиган орган таркибидан чақириб олиниши ёки чиқарилиши мумкин.

Йиғилиш, пленум, конференция, қурултойда сайланган партия аъзоларини сайлаб қўйиладиган орган таркибидан чиқариш масаласи — агар бу органлар ушбу масалани кўриб чиқишнинг бошқа тартибини белгилаб қўймаган бўлсалар — мазкур партия органи мажлисида ҳал қилинади.

Бу масала юзасидан очиқ ёки ёпиқ овоз берилиши мумкин. Мазкур партия органи аъзоларининг учдан икки қисми қарорни ёқлаб овоз берган тақдирда у қабул қилинган ҳисобланади.

Агар сайлаб қўйиладиган органнинг аъзоси, шу орган ҳудудидан кетиши муносабати билан ўз ваколатини бўйнидан соқит қилиши тўғрисида ариза берса, уни ўз хоҳиши билан истеъфо бергани учун мазкур орган таркибидан чиқариш масаласи мажлисда кўпчилик овоз билан ҳал қилинади. Сайлаб қўйиладиган орган аъзоларини партиядан чиқанлиги ёки чиқарилганлиги тўғрисидаги ариза ва ахборот маълумот учун қабул қилинади.

Сайлаб қўйиладиган органларнинг вакил қилинган ёки белгиланган миқдор (квота) принципи бўйича сайланган аъзоларини чақириб олиш ёки алмаштириш ҳақидаги қарор вакил юборган тегишли партия ташкилоти томонидан қабул қилинади.

• *МИНГБУЛОҚДАН МАКТУБЛАР*

5. АЛЛО, ИШЛАР ҚАЛАЙ?

НАМАНГАН НЕФТЬ КОНИ ҲУДУДЛАРИДА АЛОҚА ТАРМОҚЛАРИНИ ЖАДАЛ БАРПО ЭТАЁТГАНЛАР ЖОНБОЗЛИГИ

Мингбулоқ нефть конидаги воқеалар барча ташкилот, корхоналардан тортиб республикамиздаги вазирликлар диққат эътиборини ҳам тортиб турибди. Ҳар бир идора, ташкилот ва корхона бу ерда ўз ўрни, муносиб ҳиссасига эга. Уларнинг вакиллари нефть фавворасе отилиб чиққан кундан бошлаб ўзига тегишли иш билан фаол шуғулланяпти. Жумладан, Алоқа вазирлиги мутахассислари ишда ибрат кўрсатишаяпти. Фаввора отилиб чиққан куниёқ Мингбулоқ ҳудудига телефон тармоғи тортилди. Ўша куни кечаси билан ишлаб, тонгга яқин республика маркази, қўшни вилоятлар, Ҳамдўстликдаги республикалар билан телефон алоқаси ўрнатилди.

— Куни кеча 17 минут Мингбулоқ телефон тармоғи ишламай қолди, — дейди биз билан суҳбатда Наманган электр алоқа корхонаси бошлиғи Ҳамидулла Нурматов. — Гўё Мингбулоқ нефть конидагилар ташқи дунёдан ажралиб қолгандай бўлишди. Бизнинг муҳандисларимиз шу заҳотиёқ ишга киришиб, бор-йўғи 17 минут давомида янги алоқа тармоғини созлаб, фойдаланишга топширдилар.

Кўриниб турибдики, алоқа ходимларининг зиммасида катта масъулият бор. Чиндан ҳам улар кечаю-кундуз фидокор меҳнат билан банд. Коммутаторлар муттасил ишлаб турибди. Телефонисткалар учун алоҳида хоналар ажратиб берилган. Ишлар қайнаб турган Мингбулоқ, Оқтош, Наманган тармоғи фаолияти алоҳида назоратга олинган.

Бу ердан туриб хориж билан ҳам алоқа қилиш мумкин. Америка, Франция, Туркия каби хорижий мамлакатлардан келган мутахассислар халқаро алоқа тармоқлари орқали бемалол гаплашиб туришибди. Ҳар куни хорижий мамлакатлар билан 10—15 маротаба телефон алоқаси бўлиб турибди. Республикамиз вилоятлари, Ҳамдўстликдаги давлатлар билан эса алоқа тўхтовсиз давом этяпти. Жумладан, эрталаб соат 6 дан бошлаб телефонлар тилга киради. Ярим тунгача алоқа ходимлари тиним билмайдилар.

Айни пайтда тўрт жойда алоқа тармоқлари тортилган штаб бор. Энди иш қайнаган қурилиш участкаларига ҳам телефон туширилмоқда. Куни кеча қурилиш участкаларига 3 километр узунликда дастлабки телефон тармоғи тортилди. Ҳозир Наманган, Мингбулоқ, Оқтош тармоқлари қурилиши қизғин давом этмоқда.

Биз мана шу тармоқни бунёд этаётган Наманган алоқа ишлаб чиқариш корхонаси қошидаги механизациялашган кўчма колонна ишчилари фаолияти билан яқиндан танишдик. Кимдир ер кавламоқда. Бошқаси кабель ётқизиш билан банд. Мана шу тармоқнинг битиши апрель ойи охирига белгиланган. Алоқачилар эса уни режада белгиланганидан бир кун бўлса ҳам олдин ишга тушириш ҳаракатида.

Бу ишларнинг бош пудратчиси Қурилиш вазирлиги ҳисобланади. Уни Ўзбекистон Республикаси Алоқа тармоқлари қурилиши концерни жамоаси барпо этяпти. Концерн жамоасига Наманган алоқа тармоқлари қурилиши ташкилоти, Андижон, Фарғона алоқачилари яқиндан ёрдам беришяпти. Алоқа вазири ўринбосари В. А. Кравченко бу ишларга бош-қош бўлиб турибди. Тармоқ шу бирикки кун ичида тўла ишга туширилади. Ҳисоблашларича, бу ерда 17 миллион сўмлик иш бажарилади. Натижада Фарғона, Андижон ва бошқа вилоятлардаги нефтчиларнинг ҳам бирбири билан алоқалари анча яхшиланади.

— Мен хорижий мамлакатлардан, жумладан Америкадан келиб кузатувчи бўлиб турган мутахассислар раҳбари билан суҳбатлашдим, — дейди Ҳ. Нурматов. — Ундан алоқа хизмати ҳақида сўраганимда, у очилиб кетди. Алоқа хизмати соҳасида хорижий мамлакатлардан қолишмаслигимизни, сифатли алоқа йўлга қўйилганлигини таъкидлаб, миннатдорчилик билдирди. Бундан мен фахрландим, албатта. Негаки, бизнинг алоқачи мутахассислар ҳам билим, малака жиҳатидан хорижий мамлакатлардаги касбдошларидан қолишмаслигини ўз оғизларидан эшитдим. Туркиялик меҳмонлар ҳам яхши алоқа йўлга қўйилганлигидан мамнун бўлишди. Бу, алоқа ишлари билан шуғулланаётган кишиларнинг ўз касбларига садоқатлари меваси, уларнинг кечаю-кундуз тинимсиз меҳнатлари натижасидир.

Куни кеча бизнинг муҳандис-техник ходимларимиз асосий алоқа тармоғини Сирдарёдан ўтказишди. Бугун Мингбулоққа етказилади. Бу участкада ҳозир 150 нафар ишчи, муҳандислар фидойилик кўрсатиб ишлашмоқда.

Айни пайтда нефть кони билан боғлиқ алоқа нуқталари 16 тага етказилди. Улар муттасил тиниқ ишлаб турибди. Бу тармоқларда муҳандислардан А. Ҳамидов, Т. Қамбаров, Ю. Кармаков, телефонисткалардан Т. Камолова, Ф. Казакова, Р. Дадабоева, А. Умарова, А. Раҳматиллаева сергак навбатчилик қилишмоқда. Ҳатто хорижий мамлакатлардан келаётган мутахассислар учун меҳмонхонада ҳам махсус телефонлар ўрнатилган. Улар хоҳлаган пайтда ўз ватанлари билан алоқа боғлай оладилар.

Мингбулоқ нефть конида биз «Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси алоқа идорасининг бошлиғи Олимжон Сотқинов билан учрашдик. У алоқачиларнинг фидойилиги, жонбозлиги ҳақида тўлқинланиб гапирди.

— Биз нефть фавворасе отилиб чиққан куниёқ бу ерга етиб келганмиз, — дейди у .— Зудлик билан радио станцияни тайёрлаб ишга солдик. Негаки, нефть минорасидан фаввора отилиб чиққач, телефон алоқаси тармоқлари ишдан чиқди. Минора ён атрофидаги ишдан чиққан телефон нуқталарини кўчма алоқа станциялари билан алмаштирдик. Орадан бир неча соат ўтгач, алоқа йўлга қўйилди. Москва, Тожикистон, Қирғизистон нефтчилари билан ҳам алоқага киришилди. Икки-уч кун ичида алоқа ишлари мустаҳкам йўлга қўйилди. Ишларни жадал давом эттиряпмиз. Чортоқ, Андижон, Қўқон, Риштон, Чимён каби жойлардаги нефтчилар билан ҳар куни алоқада бўлиняпти. Андижон алоқа бўлимидан Л. Бурнашева, Чортоқ алоқа бўлимидан Т. Мансурова, Тошкент алоқа бўлимидан Г. Панченко кечаю-кундуз мунтазам алоқани таъминлаб туришибди.

Биз Мингбулоқ-Оқтош алоқа тармоғи қурилаётган жойлардан қайтиб келиб, яна Ҳамидулла Нурматов билан учрашдик. У ҳам эндигина ўша йўналишдан қайтиб келган экан.

— Қўлимиздан келган ҳамма ишларни қиляпмиз, — деди у мамнуният билан. — Бу билан мустақил Ўзбекистонимиз «қора олтини»ни тезроқ жиловлаб олишдек масъулиятли ишга баҳоли қудрат ўз ҳиссамизни қўшяпмиз. Барча имкониятлар ишга солиняпти. Оромидан кечиб бўлса-да, бу эзгу ишга муносиб мадад кўрсатиш алоқа ходимларининг мақсадига айланди, — деди Ҳ. Нурматов.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ—1 МАЙ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ МУРОЖААТНОМАСИ

Қадрли ака-укалар, опа-сингиллар, ватандошлар!

Асримиз бошларидаёқ асос солинган меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни—1 Май яқинлашиб келяпти. Унинг асл маъноси меҳнаткашлар ва деҳқонларнинг ўз ҳуқуқлари, социал кафолатлар учун курашидадир. Халқлар сўзда эмас, амалда ўз ҳаётларини гаровга тикиб, ўзларининг меҳнат қилиш ҳуқуқларини, эркин яшаш, ўқиш, дам олиш ҳуқуқларини, қолаверса инсоннинг инсон бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилганлар.

Совет ҳокимияти йилларида мамлакатни бошқаришнинг марказлаштирилган тизими халқларнинг азалий ҳуқуқлари рўёбга чиқишига тўсқинлик қилиб келди. Республикамиз марказнинг деҳқончилик хом ашё томорқасига айлантириб қўйилган ва у барча ҳаётий муҳим масалаларни мустақил ҳал этишга, ўзининг ва ўз фарзандларининг муносиб келажагини таъминлашга ожиз эди. Маданиятимиз, адабиётимиз, тилимиз, тарихимиз, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз соҳталаштирилди, кишиларнинг диний ҳис-туйғулари оёқ ости қилинди. Республика уни янада кўпроқ мутеликка соладиган тарзда бир ёқлама ривожлантирилди.

Бу узоқ вақт давом этиши мумкин эмас эди. Халқ ўн йилликлар давомида чинакам озодлик ва мустақиллик тўғрисидаги ҳар қандай тушунчани исканжага олиб келган занжирларни парчалаб ташлади.

Ўзбекистон Республикасини бутун жаҳон тан олиши, у БМТга тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб кирганлиги давлатимиз мустақиллигининг кафолати бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўртоқ И. А. Каримов инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Хельсинки Декларациясини имзолаганлиги эса инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги муҳофаза этилишининг гарови бўлди.

Оға-инилар ва опа-сингиллар! Энди бизнинг олдимизда ниҳоятда мушкул вазифа — мислсиз саъй-ҳаракатлар эвазига эришилган ютуқларимизни сақлаб қолиш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш вазифаси турибди. Биз жуда қийин даврни бошдан кечиряпмиз. Биз Биринчи майни танглик кучайган, иқтисодиёт пароканда бўлиб кетган, собиқ СССРдаги миллатлараро ва республикаларо муносабатлар кескинлашган даврда кутиб оляпмиз. Биз инсонлар ҳаётидек бебаҳо бойликни йўқотиш қайғусини чекяпмиз. Барча даврлар ва халқлар учун мўқаддас бўлган «Тинчлик» ва «Дўстлик» сўзлари бир қанча минтақаларда портлаётган бомба ва снарядлар овози остида бўғилаяпти. Илгари етти ухлаб тушимизга кирмаган «қочоқлар», «ишсизлар» деган сўзлар пайдо бўлиб қолди. Миллионлаб меҳнаткашлар, уларнинг оилалари, пенсионерлар, ногиронлар, ёшлар, талабалар ва болалар ғоят оғир аҳволда қолдилар. Яшаш учун, омон қолиш учун, кун кўриш учун машаққатли кураш кетяпти.

Лекин биз байрамни шу қийинчилик ва кулфатларни енгамиз, деган умид билан кутиб оляпмиз. Ишончимиз комилки, халқ донишмандлиги, деҳқонлар ва зиёлиларнинг аҳиллотувлиги, бир-бирини тушуниши ва чинакам бирдамлиги ҳар қандай зўравонликлардан устун келади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари барча меҳнат, фан, адабиёт ва санъат аҳлини, хотин-қизларимизни ва ёшларни, бутун республика аҳолисини Биринчи май байрами, баҳор ва бунёдкорлик байрами билан табриклаб, шу билан бирга инсоният тақдирига, рўйи заминдаги Тинчлик ва Дўстлик тақдирига бефарқ қарамайдиган барча кишиларга мурожаат қилади ва уларни ўзининг бутун меҳнатини, маҳорати ва ақл-идрокини инсонпарвар жамият қуриш, халқ фаровонлигини ошириш, халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик, тинчлик ва тотувликни қарор топтиришда бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга эришиш учун бағишлашга даъват этади.

Мулкчиликнинг қандай турига мансублигидан қатъи назар, барча корхоналар, жамоа ва давлат хўжаликлари, уюшмалар, кооперативлар раҳбарларини ўзларининг бутун саъй-ҳаракатларини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан оқилона таъминлаш дастурларини амалга оширишга, жамиятда ижтимоий аҳиллик кафолатини яратишга чақирамиз.

Биз давлат ташкилотларига, ҳокимиятларга, ижроия ҳокимият вакилларига мурожаат қиламиз ва уларни ўзлари тузган икки томонлама битимлар асосида меҳнаткашларнинг ва бутун республика аҳолисининг социал-иқтисодий ҳуқуқлари ва маънавий манфаати ҳимояланишини таъминлаш юзасидан таъсирчан амалий чора-тадбирлар қабул қилишга даъват этамиз.

Биз ижтимоий-сиёсий ташкилотларни, ёшлар ҳаракатларини республикамиз фуқароларининг манфаатлари ва келажаги йўлида, жаҳонда инсонпарварлик, меҳр-мурувват, ижтимоий адолат қарор топиши, миллий ҳудбинликка ва миллатлараро можароларга йўл қўймаслик, меҳнаткашлар ва ёшлар чинакам байналмилал руҳда тарбияланишини такомиллаштириш йўлида тенг ҳуқуқли ва оқилона ҳамкорлик қилишга чақирамиз.

Биз тинчликни, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ўзаро манфаатли халқаро иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Қадрли ватандошлар! Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаммангизни ва ҳар бирингизни Биринчи Май байрами билан, баҳор ва меҳнат байрами билан чин қалбдан самимий қутлайди, шу байрам кунларида Сизларга мустаҳкам соғлиқ, фаровон ҳаёт, турмушингиз тинч ва осойишта, тотувликда кечишини тилайди. Ижодий меҳнатингизда муваффақият ва инсоний бахт сизга ёр бўлсин!

ДЎСТЛИК МУҲРИ

«ЎЗБЕКИСТОН ДЎСТЛАРИ» ЖАМИЯТИ ТУЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциациясининг ҳайъати аъзолари шу йилнинг март ойида Ҳиндистондаги Халқаро маданий тараққиёт ташкилоти таклифига биноан бу мамлакатда бўлиб, у ерда «Ўзбекистон дўстлари» жамияти тузилишига бағишланган тантанали тадбирларда қатнашдилар.

Бизнинг республикамизда эса 1990 йилда «Ўзбекистон—Ҳиндистон» жамияти тузилиб, у фаол ишламоқда. Ҳиндистонда ҳам бундай жамиятнинг туғилиши икки ўртада олиб борилаётган алоқаларимизни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳайъат аъзолари ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси, «Ўзбекистон—Ҳиндистон» жамияти ва «Ўзбекистон дўстлари» жамиятлари ўртасида келгуси алоқалар тўғрисида шартнома имзоланди. Бу ҳужжатда икки мамлакат ўртасидаги қадимий мулоқотларни ҳозирги даврда ҳам янада ривожлантириш, олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар, талабалар гуруҳларининг ўзаро борди-келдиларини йўлга қўйиш, туризм, савдо ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ишига кўмаклашишга етарли эътибор берилган.

Куни кеча Тошкентда ана шу шартноманинг ўзбек ва рус тиллардаги матнларини имзоланишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Бу тадбирда шартномани Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси раиси Н. Ғойибов, «Ўзбекистон дўстлари» жамиятининг бош котиби Р. Варна ва шу жамиятнинг ижро этувчи котиби Р. Маккар жаноблари имзоладилар.

А. ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САЙЁРАМИЗ НАФАСИ

АМАЛИЙ ТАШРИФЛАР

● **Россия вице-президенти Александр Руцкой Исроил ва Мисрга боради.**

Ташрифлар шу йилнинг 29 апрелида бошланиб 3 майгача давом этади. Вице-президент билан бирга россиялик ишбилармонлар ҳам сафарга чиқишади.

● **Россия Федерацияси Олий кенгаши раиси Руслан Хасбулатов Боннга келди.**

Бонн шаҳрида қатор амалий суҳбатлар ўтказилади. Мамлакат федерал канцлери Гельмут Коль ҳамда мамлакат савдо саноат-доираларининг намоёндалари билан учрашувлар бўлади. Россия парламентининг раиси Баварияга ҳам боради, Янги Саксония федерал ўлкасидаги ўзгаришлар қандай бораётганлиги билан танишади.

● **Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козирев Бахрайн пойтахти Манама шаҳрига келди.**

Мамлакатнинг олий мартабали раҳбарлари билан учрашувдан сўнг вазир сафарини давом эттиради. У Бирлашган Араб Амирликларига, сўнгра Уммонга боради.

БОШ КОТИБ ТЕҲРОНДА

● **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Бутрос Гали Теҳронга келди.**

Эрон пойтахти аэропортида у журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, ташрифнинг асосий вазифасини тушунтириб берди. У мамлакат раҳбарлари билан минтақа муаммоларини, биринчи навбатда Афғонистондаги вазиятни муҳокама қилиш ниятида эканлигини айтди.

АФҒОНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТ

● **Аҳмад Шоҳ Масъуд қўмондонлигидаги «Афғонистон ислом жамияти» отрядлари Кобулдаги Президент саройини қўлга олдилар.**

«Афғонистон ислом партияси» мужоҳидлар билан «Афғонистон ислом жамияти» тарафдорлари ўртасидаги икки соатлик шиддатли жанглар шундай натижа билан тугади. «Афғонистон ислом жамияти» ва у билан бирга ҳаракат қилаётган гуруҳлар Кобулдаги фуқаро аэропорти билан ҳарбий аэродромни назорат қилиб турдилар. Айни вақтда ички ишлар вазирлигининг биноси «Афғонистон ислом партияси» отрядларининг назорати остида турибди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномалар хабарлари асосида тайёрланди).

ВОҚЕА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙДА

ТАБИИЙ ОФАТ ХУРУЖИ

26 апрель куни Сирдарё вилоятининг қатор районлари хўжаликларига кучли сел ёғди. Натижада вилоятнинг Ховос, Боёвут, Гулистон, Меҳнатобод районларидаги кўпгина хўжаликларнинг минглаб гектар экинзорлари пайҳон қилинди ва кўпгина экинзорлар жала сувлари остида қолди. Ховос районида кўприклар, йўллар, ғаллазорларни сел олиб кетди. Гулистон районидаги чигит экишни биринчи бўлиб тамомлаган қатор хўжаликларнинг экинзорлари кучли жала ёмғири остида қолди.

Ҳозирги кунларда тезлик билан табиий офат келтирган зарарни тугатиш чоралари кўрилмоқда. Вилоят ҳокимининг биринчи муовини А. Турдиқулов бошлиқ вилоят штаби шошилинч чораларни кўраётир. Шунингдек табиий офатдан зарар кўрган районларда ҳам штаблар кеча-кундуз ишлаб турибди. Қўшни районлар хўжаликларидан ишчи кучлари, техника сафарбар этилмоқда.

Вилоятда табиий офат келтирган зарарни бартараф этиш йўлида барча чоралар кўрилаётир.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ЗАРУР

РЕСПУБЛИКАМИЗ ҳукумати кейинги пайтда чорвадорлар ҳақида ғамхўрликни кучайтирмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Президентининг Фармони билан чорва маҳсулотларининг харид нархи оширилиши кўнгилдагидек иш бўлди. Фармонга биноан бир килограмм жуннинг харид нархи ўртача 120 сўм қилиб белгиланди. Олий навли оқ толали жуннинг бир килограмми 182 сўмни ташкил этади. Қоракўл терининг ўртача баҳоси эса 600 сўмдан ошди. Тилла ва кумуш рангли йирик териларнинг биринчи нави 670 сўм, ундан йириклари эса 760 сўм бўлди. Майда терилар эса 90 — 110 сўмга сотилади. Ушбу харид нархлари ўртасидаги кескин фарқ қоракўл тери ва жун етиштирувчи хўжаликларни муттасил маҳсулот сифатини ошириб боришга даъват этади.

Шуни маълум қилмоқчимизки, аввал қўзи қоринчиқларининг бир донаси атиги уч сўмдан сотиларди. Шу боис бу зарур маҳсулотни тайёрлаш кескин камайди. Жумладан, Қашқадарё вилояти давлат хўжаликлари ўтган йили 400 дона қоринчиқ тайёрлашди. Қорақалпоғистон Республикасида 3627 та ва Сурхондарё вилоятида 5860 та қоринчиқ харид этилди. Энди эса қоринчиқнинг ҳам харид нархи ошди. Чунончи, унинг бир дона биринчи навлисига 30 сўм, иккинчи навига 28 сўм, учинчи навига 25 сўмдан тўланади. Энди қоринчиқ тайёрлашга бўлган муносабат ўзгаради, деган умиддамиз. Терига сўйилган ҳар бир қўзининг қоринчиғини кўз қорачиғидек асраш зарур. Уни сотишдан келадиган даромаднинг бир қисми шу маҳсулотни тайёрлаган мутахассисларни рағбатлантиришга сарфланса, айни муддао бўларди.

Эндиликда қоракўл маҳсулотларимизни ташқи бозорга хом ашё сифатида эмас, балки тайёр маҳсулот сифатида чиқарилишини таъминлашимиз лозим. Бу борада бирмунча ишлар қилинди ҳам. Жумладан, Бухоро қоракўл заводида ошланган териларни бўяш ва улардан тайёр маҳсулот тикиш мақсадида Италиянинг «Массенза Ко» фирмаси билан замонавий асбоб-ускуналар етказиб бериш, ўрнатиш ва созлаш юзасидан шартнома тузилган, 6 миллион долларлик бу асбоб-ускуналар цехларга олти ой давомида ўрнатилиб, ишга туширилади. Бу тадбир қўшимча 250 кишини иш билан таъминлаш имконини беради. Қолаверса жаҳон бозорига тайёр маҳсулот чиқариш имконияти вужудга келади.

Қоракўлчилик хўжаликларида қўй терисини қайта ишлаш ва ундан кийим-кечаклар тикиш ҳам йўлга қўйиляпти. Пешку районидаги «Жонкелди» давлат хўжалигида, Конимех районидаги «Шофиркон» давлат наслчилик заводида қўй терисини қайта ишлаб, ундан чўпонлар ва оила аъзолари учун пўстин, нимча ва бошқа буюмлар тикиш йўлга қўйилди. Бошқа жойларда ҳам бундай кичик корхоналар қурилиши кўпайди. Бу цехларни бўёқлар, химикатлар, ускуналар билан таъминлашда ва ишчиларни ҳунарга ўргатишда республика «Қоракўл» бирлашмаси мутахассислари яқиндан ёрдам беришаётир.

Бу йил хўжаликлар ўзлари етиштирган қоракўл териларнинг 15 фоизини ўзларига қолдирадилар. Шу боис Нурота шаҳрида Бухоро қоракўл заводининг филиалини очишга ҳаракат қилинмоқда. Бу корхона шу йил ишга туширилади. Кейинчалик Фориш районида ҳам ана шундай корхона қурилади.

Яна бир муҳим гап. Шу вақтгача бизнинг қоракўлимиз Санкт-Петербург шаҳрида ўтказиладиган кимошдида сотиларди. Энди мустақилликка эришган Ўзбекистонда шундай мўйна-қоракўл халқаро кимошди савдосини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўларди. Бунда қўшни Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Афғонистон ва Эрон давлатлари, қолаверса, вилоятларимиз, айрим давлат хўжаликлари ўз маҳсулотлари билан қатнашишлари мумкин бўларди. Бундай кимошди Тошкент шаҳрида ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун чет эл фирмалари билан алоқалар ўрнатиш, уларни қизиқтириш йўлларини ўйлаб кўриш зарур.

Наслчилик ишларини яхшилаш ҳисобига юқори сифатли, харидоргир терилар етиштиришни кўпайтирсак, республикамиз йилига жаҳон бозорига камида 500 — 600 минг дона қоракўл чиқариши мумкин бўларди. Бу ҳозирги кунда етиштирилаётган терининг 35 — 40 фоизини ташкил қилади. Қолган терилардан ички бозор учун турли-туман кийим-бошлар тикиш мумкин.

Ҳамонки, қоракўлчилик республикамизнинг бойлик манбаи экан, бу соҳани янада ривожлантириб боришимиз керак. Қоракўлчиликнинг аҳволи кўп жиҳатдан обҳавонинг қулай келишига, ўт-ўланларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам чўл яйловларидан самарали фойдаланиш, уларнинг маҳсулдорлигини кўтаришнинг аҳамияти кундан-кунга ошиб бораётир. Ўйлаб кўринг-га, республикамиз ҳудудининг қирқ фоизини (18 миллион гектар) чўл яйловлари ташкил қилади. Бундай оғир шароитга фақат қоракўл қўйлари-ю, туялар бардош бера олади.

• Мутахассислар мулоҳаза юритадилар

Учқудуқ ва Томди районларида жойлашган хўжаликларда, айниқса, ер кўклаган баҳор мавсумида ҳаводан тушган туз ёмғирлари кўкатлар ривожига зарар етказиб, ёш қўзиларнинг ривожига салбий таъсир кўрсатаётир. Қўй сурувлари орасида, айниқса, совлиқ сутига тўймай ривожланишдан орқада қолган қўзилар орасида кўплаб нобудгарчиликка сабаб бўлаётир. Бундай шароитда хўжалик юритишда табиат қонунларини, қоракўлчиликка хос хусусиятларни ҳисобга олмай туриб иш юритиб бўлмайди. Булар нималардан иборат?

Биринчидан, сурув таркибида совлиқлар салмоғи етмиш фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Чунки асосий маҳсулот совлиқлардан олинади.

Бу кўрсаткич бурноғи йили республика давлат хўжаликларида 63,6 фоизни, Қашқадарё вилояти хўжаликларида эса 56 фоизни ташкил қилди. Бу республикамиз бўйича 200 минг бошдан ортиқ қўзи олинмади, деган сўз.

Иккинчидан, қоракўл қўйлар йил ўн икки ой яйловда боқилади. Охирги йилларда яйловлар аҳволининг ёмонлашуви, ундаги қўйлар сонинг кўпайиши боис уларнинг маҳсулдорлигини сақлаб қолиш учун хўжаликлар кўплаб қўшимча озиқлантиришга мажбур бўлаётирлар. Бунинг учун кўплаб хашак, шелуха, омухта ем харид қилишга тўғри келаётир. Ғалла масаласининг кескинлашуви бу имкониятларнинг чекланишига олиб келиши турган гап. Агар бундан ўттизқирқ йил илгари ҳар бир қўй ҳисобига 12 — 20 килограммдан омухта ем режалаштирилган бўлса, ҳозирги кунга келиб бу кўрсаткич қирқ килограмм ва ундан кўпроқни ёки бир қўй учун йил давомида талаб қилинадиган озуқанинг 12 — 15 фоизини ташкил қилаётир.

Энди гап туғилган бир-уч кунлик қўзиларнинг бир қисми қоракўл тери учун сўйилиши ҳақида. Бу кўрсаткич 50— 60-йилларда 50 — 55 фоизни ташкил қилар эди. Ёки шунча қўзисиз совлиқ (бўйдоқ қўй) апрель ойидан бошлаб алоҳида боқилиб, кузга, урчитиш ойига юқори семизликда келар ва сурувлар ҳеч қандай қўшимча озуқа талаб қилмай урчитишдан чиқарилар эди. Бундан қўйларга, умуман, ем бериш керак эмас экан, деб хулоса қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Аммо гап яйловлардан самарали фойдаланиш тўғрисида бораётир. Ўша пайтда қўзиси омон қолган совлиқлар ҳам икки-уч ой ичида ўз вазнини тиклаб оларди.

Кейинги йилларда «Бир сурувдан икки сурув қиламиз», деган шиор остида ҳар бир совлиқ ёнида биттадан қўзи қўйилиши туёқ сонини кўпайтиришдек вазифанинг бажарилишини таъминлай олмади. Ваҳолонки, ҳозир ҳам шу йўналишда ишлаётган хўжаликлар бор. Етмиш, ҳатто саксон фоиз қўзини ўстиришга қолдиришдан фойда йўқ. Аслида эса технология бўйича қирқ беш фоиз қўзи ўстиришга қолдирилса кифоя. Зеро, тўрт-беш ой қўзи тарбиялаган совлиқ, айниқса яйловлар аҳволининг ночорлиги туфайли толиқади, кузги урчитиш бошланишига яхши тайёргарликсиз келади. Бу пайтда уларни вақтида урчитиб олиш учун камида 30 — 40 кун кучли озиқлантиришга тўғри келади. Акс ҳолда улар кўплаб қисир қолиб кетади.

Қўйлар туёғининг камайиб кетишига бошқа сабаблар ҳам бор. У ҳам бўлса соҳада қўй гўшти етиштиришда норматив режалаштиришга риоя қилмасликдир. Қоракўл қўйларидан олти-етти йил фойдаланиш мумкинлигини ҳисобга олганда ҳар бир қўй ҳисобига ўртача етти-саккиз килограмм тирик вазнда гўшт етиштириш мумкин. Ваҳолонки, ҳозиргача бу кўрсаткич 13 — 15 килограммни ташкил қилиб келди.

Демак, гўштга топширилаётган қўйларни бўрдоқига боқиб вазнини тобора ўстириш керак. Яъни улар вазнини камида 30 — 40 килограммга етказиб топшириш лозим. Бу борада ҳали олимлар ва мутахассислар амалга ошириши зарур бўлган ишлар талайгина.

Учинчидан, қоракўлчиликнинг донғини жаҳонга таратган нарса машҳур қоракўл териларидир. Ранг-баранглиги бўйича дунёда унга баравар келадигани йўқ, десак муболаға бўлмайди. Афсус, қоракўлчиликнинг бу афзалликларидан фойдаланиш масаласига эътибор охирги йигирма йил ичида анча пасайиб кетди. Қоракўл тери хазинамизга тушадиган валюта манбаи эканлиги унутилди. Бунинг учун энг сифатли қоракўл териси бўлган эркак қўзиларнигина танлаб сўйиш зарур, деган ғоя ҳаммаларнинг ёдидан чиқиб кетди. Давлат хўжаликлари омборларига тушаётган қоракўл териларнинг аксарияти нобуд бўлган қўзилар ва отарларда технологияга риоя қилинмай олинган терилардан иборат эканлигини ўйлаб кўрсак, уларнинг сифати қандай бўлиши аён. Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Сурхондарё сурларини, шерози, оқ қоракўл терилар миқдорини ошириш ҳисобга республикамиз жаҳон бозорида ўз мавқеини мустаҳкамлаши мумкин.

Халқимизда «Жўжа кузда саналади» деган нақл бор. Биз эса «Қўзи баҳорда саналади» деймиз. Бунинг маъноси шуки, айни пайтда чорвадор-чўпонларимиз учун ҳар томонлама масъулиятли дамлар давом этяпти. Мустақил Ўзбекистонимизнинг валюта манбаидан бири қоракўл тери ҳам шу кунда тайёрланаяпти. Қолаверса, келгусида яратилажак бойликлар манбаи — соғлом қўзиларни ўстиришга қолдириш масаласи ҳам айни пайтда ҳал этиляпти. Бу борада фақат сон кетидан қувмай, сифатни ҳам биринчи ўринга қўйиш талаб этилади. Шундагина ишимиз унумли, дастурхонимиз тўкин, кийимимиз бут бўлади.

Р. ВАЛИЕВ,
Қоракўлчилик илмий-тадқиқот институти директори, профессор, ЎзҚХФА мухбир аъзоси.

Н. ЗУЛПИДДИНОВ,
Республика «Қоракўл» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи.

ЭЛ МЕҲРИ

● Таниқли давлат ва жамоат арбоби Ориф Алимов 80 ёшга тўлди. Уни қутлаш учун республика жамоатчилиги вакиллари, зиёлилар ҳамда дўсту қадрдонлар тўпланишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг О. Алимовни Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини республика Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков ўқиб эшиттирди.

Дастлаб меҳнат фаолиятини «Савай» давлат хўжалигида иқтисодчиликдан бошлаган О. Алимов ўзининг ҳалол меҳнати, моҳир ташкилотчилиги туфайли эл-юртга танилди.

У кўп йиллар Наманган, Самарқанд, Бухоро, Тошкент партия қўмиталарига раҳбарлик қилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби, Вазирлар Кенгашининг Раиси ҳамда бошқа масъул лавозимларда ишлади. Аммо у қаерда ва қандай лавозимда ишламасин доимо ўзига топширилган вазифага чуқур масъулият билан қараши ҳамда камтарлиги билан обрў қозонди.

О. Алимов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи» фахрий унвонига сазовор бўлган. 80 ёшга тўлган бўлса ҳам у ҳамон тиним билмайди. Ҳозир Табиатни муҳофаза қилиш жамияти кенгаши ҳайъатига раислик қилмоқда.

● Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясида ғўза морфологияси, анатомияси ва физиологияси соҳасидаги таниқли олим Садриддин Хўжаевич Йўлдошев туғилган кунинг 75 йиллиги, илмий-педагоглик ва жамоат фаолиятининг 55 йиллиги муносабати билан илмий кенгашнинг тантанали мажлиси бўлди.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиги, президиум аъзоси, Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг бош илмий ходими С. Х. Йўлдошевни касбдошлари, дўстлари, жамоатчилик вакиллари табрикладилар. Тантанали мажлисда сўзга чиққан кишилар олимнинг машаққатли йўли ҳақида, унинг пахтачиликни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси тўғрисида гапирдилар.

(ЎзА).

1.

УНИНГ она замин сийнасига маржондек томчилаётган кўз ёшлари, овозидаги адоғи йўқ бир мунг, қалбидаги тоғдек оғир дард ҳамои кўз ўнгимда.

... Абдурасул тўра! Уни Хива инқилоби ғалабасигача шундай деб улуғлашар, эзъозлашарди.

Умрининг эндигина ўн саккизинчи баҳорини кутиб олаётган ёш Абдурасул кимсан — Муҳаммад Раҳимхон соний — Ферузнинг ўғли Муҳаммадёр тўранинг фарзанди — хоннинг суюкли невараларидан бири эдида-да, ахир. 1920 йилнинг 2 февралида Хива инқилоби ғалаба қозонгач, воҳада ташкил этилган қизил ёшлар ташкилоти — комсомолга биринчилар қатори аъзо бўлиб кирган эди. Хива Коммунистик ёшлар союзи фаолиятда, иттифоқ уюштирган кундалик йиғинлар, турли тадбирларда, тўранинг ўз таъбири билан айтганда, «танца» кечаларида фаол иштирок этаётганди.

Минг афсуски, Абдурасулнинг бу қувончсевинчлари узоққа бормади. Барча авлод, хешу-ақроболари қатори «ҳаётни янги издан бошлай» дея ниятлар билан кутиб олган шўро тузуми ёш тўрани «душман» деб тавқи-лаънат тамғасини босди. Юртнинг жуда кўп фидойилари, мард ўғлонлари қатори бадном этилиб, ўз элидан узоқларга бадарға қилинди...

1920 йил, 12 июль тонготари. Собиқ хон — Саид Абдулланинг укаси Мадиёр Тўра эшиги тамба қўйилмаган эканми, ногоҳонда қарсиллаб очилиб, хонага маҳаллий икки сотқин бошчилигида ўн чоғли қуролланган ўрус солдатлари бостириб киришди. Хонадон соҳиблари сапчиб, апил-тапил оёққа қалқишди.

— Қани тез бўл, сафар халтангни кўтар! — фармон қилди сотқинлардан бири. — Сизларга бизнинг орамизда ўрин йўқ. Сизлар душмансизлар.

— Нега? Ким айтди бу гапни! — ҳайрон елка қисди Муҳаммадёр тўра. — Ахир биз ҳам шўрони индамай қабул қилдик-ку. Оғам хонликни қон тўкмай топшириб, ҳуррият эълон қилди, тахтдан ихтиёри билан воз кечди. Ўзи косиб бўлганлиги учун янги ташкил этилган ҳунармандлар иттифоқига қабул қилишларини ўзи илтимос этди. Мана, беш ойдирки, янги тузум учун ишлаяпмиз.

— Гап қайтарма, бўл! — зўғум қилди гапга аралашиб ўрис солдатларидан бири. — Сен ҳам, оғайниларинг ҳам, фарзандларинг ҳам бизга, яъни Совет тузумига барибир дўст бўлмайсизлар. Хоннинг ҳамма авлоди бу тупроқдан бадарға қилиниши керак. Арзингизни Ўрусия қамоқхоналарида худога айтасизлар. Қани, имилламай, тез бўлинглар. Болаларинг ҳам чиқсин, давай!

Ўруслар Муҳаммадёр тўрани ҳам, ўғиллари Насриддин билан Абдурасул тўрани ҳам силталаб ёқаларидан тутганча ташқарига олиб чиқишди. На сўроқ қилишди, на сўраб-суриштиришди ва на суд қилишди уларни. Ҳе йўқ, бе йўқ ҳибсга олишди. Не кўз билан кўришсинки, улар зўрлаб келтирилган жойга тонг бўзариб-бўзармай Хоразмнинг сўнгги ҳукмдори — Саид Абдулла хонни ҳам, унинг икки ўғли Раҳматилла билан Саид тўрани ҳам, Саид Ибодулла тўра ва унинг икки ўғлини, қариндошларидан Ёқуб ва Юсуф тўраларни ҳам банди зиндон этдилар.

Хон ва хонзодалар кўп ўтмай она юртдан — ўз киндик қонлари тўкилган ерлардан узоқларга — Москвага бадарға қилинди. Бандилар бу ерда дастлаб сиёсий махбуслар сақланадиган «Люблянка — 2», кейинчалик «Арденко» лагерида, сўнг Новоспасск ҳамда Ивановск бутхоналарида итнинг қунидан баттар ҳаёт кечиришди. Орадан уч йил ўтди. Уларни на суд қилишди, на озод этишди. Ахийри, ҳали у пайтда Ленин барҳаёт эди, улар бир грек махбуси маслаҳати билан доҳийга хат ёзиб, арз-дод қилишди. Мактубда шўрони иккиланмай қабул қилишганини, янги тузумга қарши ҳеч қачон бош кўтармасликларини баён этишди. Бахт кулиб боқдими ёки ўрусларнинг кўнгли юмшадими, ҳарқалай уларни она-Ватанига қайтаришга розилик ҳам беришди. Аммо, бандилар қувончи узоққа бормади. Хоразм жумҳуриятининг Москвадаги элчихонасида ўтирган сотқин кимсалар кутилмаганда улар олдига ғов бўлиб чиқишди. «Йўқ, хон ҳам, хонзодалар ҳам бир умр Хоразмга юборилмайди. Улар учун йўл берк!»

Ҳа, уларнинг Хоразмга қайтишига ўзимизнинг элчихонадагилар тиш-тирноғи билан қарши туришди. «Ўзингдан чиққан балога, қайга борурсан даъвога» деганлари рост экан.

Бандиларга «раҳм» қилишди. Улар Украинанинг ҳавоси мўътадил Кривой Рог шаҳрига жўнатиб юборилди. Хон ва хонзодалар бу ерда ҳам доимий назорат остида яшашди. Бир қадам ҳам четга чиқишга рухсат йўқ эди. Қочайлик дейишса, оқибати ўлим: сўраб-нетиб ўтирмаймиз, дея огоҳлантириб қўйишибди. Улар ноилож тақдирга яна тан беришди. Янги истиқомат жойида назорат остида бўлишса-да, ҳарқалай уларга ўша ҳудудда эркин ҳаракат қилишга ижозат берилди. Бир-икки нафардан бўлишиб, ижарага жой олишди. Хон ўз фарзандлари билан, укаси Муҳаммадёр ва Саид Ибодулла тўралар ўз фарзандлари билан... Ким конга, ким қайси бир корхонага ишга ҳам жойлашиб олишди. Саид Абдуллахон бир заводга қоровул бўлиб ишга кирди...

НИҲОЯТ 1933 йилда уларга хоҳлаган жойига бориб яшаш ва ишлашга рухсат этишди. Баъзилар, жумладан Муҳаммадиёр тўра ўғли Носириддин, Раҳматулла, Саид Ёқуб ва Юсуф тўралар маслаҳатлашиб Тошкент сари йўл олишди. Абдурасул тўра уйлангани боис Кривой Рогда қолишни ихтиёр этди. Шу йили ёзда Саид Абдулла — Хоразмнинг хўрланган ва аччиқ қисматга гирифтор этилган сўнгги хони — Санд Абдулла тўра дардга чалиниб оламдан ўтди. Унинг тани ёт тупроққа қўйилди. Кўп ўтмай унинг укаси — сўнгги кунларда тиланчилик қилиб кун кўраётган Саид Ибодулла тўрани эса ногоҳонда машина босиб, унинг ҳам ҳоки ўзга элда қолиб кетди. Кейин Абдурасул тўрадан ҳам дарак, сас-самар бўлмай қолди...

2.

Орадан неча ўн йиллар ўтган эди. Хивалик кичик бир корхона директори Озод Отажонов 1991 йил бошларида бетобланиб қолиб, даволаниш учун Железноводск шаҳридаги санаторийлардан бирига йўл олди. Тўрт нафардан бўлишиб тамадди қилишадиган курси атрофида унинг билан «Мадиёрова» фамилиялик бир жувон ҳам овқатланарди. Жувоннинг исми-шарифи эса Лидия Абдурасуловна бўлиб, Озод Отажонов учун бу негадир бир жумбоққа ўхшаб туюлди. Ахир, у биларди: Лидия даволаниш учун бу ерга Украинанинг Кривой Рог шаҳридан келган. «Аммо, нега Абдурасуловна? Мадиёрова?»

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН КИШИЛАР

СУЛТОНЛАР ҲАМ ИНСОН ЭДИЛАР-КУ!

ЕХУД ХОРАЗМ ХОНЛИГИНИНГ СЎНГГИ ҲУКМДОРИ САИД АБДУЛЛА ТЎРА ВА ҚАРИНДОШ-УРУҒЛАРИНИНГ АЧЧИҚ ҚИСМАТИ ҲАҚИДА

Озод бунинг сабабини Лидиядан сўраднию, қулоқларига ишонмай қолди.

— Мен Хива хони неварасининг қизиман! — деди қутилмаганда украиналик жувон. — Отамнинг исми Абдурасул, фамилиялари Мадиёров. Яъни у Муҳаммадёр тўра деганнинг ўғли экан. Муҳаммадёр тўра эса Муҳаммад Раҳимхон — Феруз деганнинг фарзанди. Ахир... — Лидия кулимсиради: — Сизларда шундай хон ўтган-ку!

Озод ҳайратидан лол эди.

— Ўтган, — деди ниҳоят Лидиянинг кўзларидан кўзини узмай. У бир муддат сукут сақлаб, сўнг «отаси тирикмикан» деган ҳадик билан аста сўради: «Дадангиз?..»

— Барҳаёт! — қувониб деди Лидия Абдурасуловна. — Бирга яшаяпмиз. Ёшлари 89 да.

— Қайтишда сиз билан бирга бориб, отангизни кўрсам майлими? — сўради дафъатан Озод Отажонов. — Кўриб суҳбатлашиб ўтсам яхши бўларди. Қарши эмасмисиз?

— Бажонидил! — Лидия қувонди. — Нега қарши бўлар эканман. Қайтага яхши эмасми. Кутилмаганда отам ҳам жуда ҳурсанд бўладилар. Ахир, унинг бадарға қилиниб, Хивадан чиқариб юборилганига 70 йилдан ошган.

Озод сўзида турди. Даволаниш муддати тугагач, Лидия Абдурасуловна билан тўппа-тўғри Кривой-Рог сари йўл олди. Унинг қалби, бутун ўй-вужуди Ватандан қувғин қилинган, 1920 йилдан буён етти ёт юртда яшаётган Ферузнинг набираси — собиқ ҳамшаҳри Абдурасул тўрани бир кўриш, юрак-юракдан мулоқот қилиш иштиёқи билан тўлиб-тошган эди. Учрашув, дарҳақиқат, ҳаяжонли кечди. Шунча йил деганда ўзи туғилиб-ўсган шаҳардан сира кутилмаганда ташриф буюрган элдошини кўриб отахон довдираб қолаёзди. Қувонч-севинчдан ўзини тутолмай, шалвираб қолган баданлари титраганча беихтиёр йиғлаб юборди.

Озод ҳам ўзини тута олмади. Мункиллаб қолган тўранинг аччиқ қисматига ҳўрлиги келиб, кўзларида изтироб ёшлари халқаланди. Ўша кун хонадон учун беҳад катта байрам бўлиб кетди. Меҳмон Абдурасул тўранинг даҳшатли фарёдга, чинқириқли нолаларга тўла ҳикояларини азбароғи жон қулоғи билан тинглаб, ўзи ҳам йиғлаб-йиғлаб ухламай тонг оттирди.

Истиқболда Наврўз яқинлашиб келаётган эди. Озод Хоразмга қайтаётиб яна бир тантилик, хотамтойлик этди: ул-бул харид қилиш учун жамғариб қўйган пулларини сарфлаб Абдурасул тўра, унинг уч қизи ва икки невараснга Кривой-Рог — Киев — Москва — Урганч йўналиши бўйлаб бир неча ҳафтадан кейин учадиган тайёрага бориш-келиш патталари олиб, отанинг ҳаяжондан титраётган қўлига тутқазди:

— Энди сизни Хивада — ўзингиз туғилиб ўсган шаҳарда кутаман, ота. Мана, патталари қизларингиз, невараларингиз билан бирга ҳеч иккиланмай марҳамат қилаверинг. Элдошларингиз сизларни қучоқ очиб кутиб олишади. Сўзларимга ишонаверинг.

Кекса тўранинг қисмат дарди эзиб ташлаган кўксидан аламли бир нидо отилиб чиқди:

— Ватаним тупроғига қадамим тегиши билан жоним узилса ҳам рози эдим, ўғлим. Албатта, бораман! Ахир, мажруҳ қалбимни етмиш бир йил ўртаган буюк бир армон-ку бу, болам,

ХИВА шаҳрида, бир неча йилдирки, Паҳлавон Маҳмуд ёди билан қўшиб нишонланадиган Наврўз шодиёналари тавсифини таърифлашга қалам ожиз: шу куни кўҳна қалъага ташриф буюрган киши қадам ташлашга жой топа олмайди. Оломон шаҳар кўчалари бўйлаб бамисоли дарёдай мавжланиб оқади. Гўё мўъжазгина Ичон ва Дишон қалъага бутун Хоразм кўчиб келгандай. Бу галги, яъни 1991 йилнинг 22 мартида нишонланган Наврўзи олам ҳар қачонгидан ҳам бошқача — беҳад тенгсиз бир гўзаллик ва шукуҳ касб этди, файзи-таровати таърифга сиғмас миқёсда бўлакча бўлди. Шу куни мўътабар ва муқаддас бу кўҳна шаҳарга бундан етмиш бир йил олдин қувғин қилинган Абдурасул тўра кўзларида шашқатор ёш билан, қизлари Лидия, Люба, Олма, невараларн Татъяна ва Вадимлар ҳамроҳлигида ташриф буюрган эди. Уларни Урганч аэропортида ўнлаб кишилар нон-туз билан ҳушчақчақ кутиб олишиб, тўппа-тўғри Хивага — Наврўз шодиёналарига бошлаб келишди. Муҳаммад Рахимхон — Ферузнинг набираси неча ўн йиллик айрилиқдан сўнг она шаҳрига келгани, байрам тантаналарида иштирок этаётганидан дарак топган хиваликлар ҳаяжони, қувонч-севинчнинг ўзи бир достон, ўзи бир ҳушнаво, ҳушоҳанг тарона! Саксон тўққиз ёшли отахоннинг шу кунги кўз-ёшлари, киндик қони тўкилган она юрт, она замин билан, чеҳралари чароғон минглаб собиқ ҳамшаҳарлари билан дийдор кўришиш дақиқаларидаги ҳаяжону, битмас-туганмас завқ-шавқни ифодалаш ҳам осон эмаслигини айтмайсизми? Назаримда, тўра ўша куни қайта туғилгандек, кўрган жабру-ситамлари унут бўлиб, янгидан, гўё бир думалаб навқирон ёшлигига қайтиб келгандек эди. У ўспиринлиги кечган кўчаларни чарчамай, бир-бир айланиб чиқди. Паҳлавон Маҳмуд мақбарасини, бобоси Феруз хоки қўйилган Моҳи Рўйижаҳон мадрасасини, Кўҳна Арк ва Тошҳовлини, Карвонсаройни, болалигида кўрган, хотирасининг бир чеккасида эласэлас сақланаётган бошқа обидаларни, Жума мачит ва ҳамон мағрур қад ростлаб турган минораларни кўзларининг сўнгги, ҳира нурларини тўкиб томоша қилди, ғиштин деворларни соғинч билан тўйиб-тўйиб ўпди, йўлкаларнинг тупроқларини олиб камоли эҳтиром билан титроқ лабларига қайта-қайта босди.

Улар хиваликларнинг қарийб бир ҳафта ардоқли ва азиз меҳмони бўлишди. Она-Ватан — она диёр кишилари тўра ва унинг фарзандларини кунда 10-15 хонадонга меҳр билан таклиф этишар, тақдир тақозосига кўра умрбод бадарғаликка маҳкум этилган собиқ хонзодага мурувват қилишарди. Тўра Хивада меҳмон бўлган ўша кунлар давомида ўнлаб ёзувчи ва журналистлар билан ҳам яқин мулоқотда бўлди. Бу мулоқотларнинг айримлари видео ва магнит лентaларга ёзиб олиниб, Хоразм ҳамда Тошкент «зангори экран»ларида намойиш этилди. Овознигорларида эшиттирилди, рўзномаларда чоп этилди. Ҳамшаҳримнинг юрагини қон қилиб юборган ҳасрат ва андуҳларини, нафрат ва надомат сўзларини мен ҳам оҳанграбо тасмасига муҳрлаб қолганман.

— Менга атиги бир хоналик уй-жой бер-сангизлар ҳам бошим осмонга етарди. Умримнинг сўнгги кунларини она-шаҳримда яшаб ўтказиш учун жон-жон деб бу ерга келардим! — Нола қилди у сафар давомида қайта-қайта такрорлаб. — Қанийди шу ерда жон берсам: боболарим ҳоки ётган заминдан бир қабрлик ер менга ҳам насиб этса. Оҳ, қанийди шундай бўлса... Кўзларим очиқ кетмасмиди...

Қизлари ва невералари уни гўё ёш болани алдагандай авраб-юпатиб, ўз юртига қайтишга даъват этишди.

— Батка биласиза, қўлимизда самолёт патталари бор. Кетмасак бўлмайди. Худо хоҳласа келгуси йили яна келамиз. Бу ерда қолиш-қолмаслик масаласини ўшанда узил-кесил ҳал қиламиз. Энди кетайлик.

— ... Она шаҳримга қайтиб келиш энди менга насиб этармикан, болаларим.... Абдурасул тўра бу сўзларни шундай бир ҳалим, шундай бир мискин товуш чиқариб айтдики, атрофдагиларнинг ҳам кўзларида беихтиёр ёш қалқди.

Лидия, Люба ва Олма, Татъяна ва Вадимлар ўзлари туғилиб ўсган, уларга меҳрибон ота ва суюкли бобо бўлмиш 89 ёшли Абдурасул тўра эса ўзи учун иккинчи Ватан бўлиб қолган Украинанинг Кривой-Рог шаҳрига йўл олдилар. Орадан уч ой ўтиб-ўтмай у ёқдан нохуш хабар эшитдик. Элдошимиз бандаликни бажо этибди. Уни 1985 йилда саксон ёшида вафот этган рафиқаси — украин қизи Олимпиада Криловна Мадиёрова қабри ёнига ўз фарзандлари ва невараларн дафн этишибди. Маросимда на бир хоразмлик иштирок этган ва на бошқа мусулмон вакили.

О, золим замон! Қани сенинг адолатли, халқпарвар, миллатпарвар эканинг, қани! қани, тузумингнинг оддий инсон учун ғамхўрлиги?! Бунчалар ҳам бағри тошлик бўладими, ахир, эй сен — Хоразм султонлари наслининг бутун бир авлодини «халқ душмани»га чиқариб, гадоларга айлантирган риёкор, ашаддий алдоқчи, охир-оқибат ўзи ҳам чок-чокидан сўкилиб, шармандаси шармисор бўлган тузум?!

Эркин МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• «Сифат» тажриба-қурилиш бирлашмаси трестининг 4-қурилиш-монтаж бошқармаси мутахассислари «Сирғалқ—8» массивида янги уй қурилишини тугаллашди. 9 қаватли бинода 128 хона бор.

С. ВЕЛИЧКИН олган суратлар (ЎзА).

ЯНГИЧА РАСМ-РУСУМЛАР

Тўйлар тўйга уланди

● Дастлабки тўй 7-болалар уйида бошланди. Ана шу қутлуғ даргоҳ тарбияланувчилари эрта тонгданоқ карнай-сурнай садолари билан уйғондилар. Катта тўйхона тусини олган ҳовли ҳар қачонгидан гавжумлашди.

Тўйни ўтказишда Ҳайриобод матлубот жамияти ҳомийлик қилди. Улар тўй болалар бўлмиш Ўткиржон, Миршатжон, Камолжонлар қўлларини ҳалоллашни ўз зиммаларига олган эдилар.

Суннат тўйига узоқ-яқиндан меҳмонлар, вилоят, район ва шаҳар раҳбарлари, ташкилот бошлиқлари, мўътабар отахон ва онахонлар ташриф буюрдилар. Ҳамиятли ташкилотлар, шу билан бирга ҳайр-саҳоватли инсонлар тўйга ўзлари атаган тўёналар билан келдилар.

Тўй даврасига тўйчи болакайлар таклиф этилади. Қарсак ва олқишлар остида ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган тўй сарполари кийгизилар экан, бу чақнаб турган нигоҳларга боқиб, ногаҳон «Сен етим эмассан»даги тўлқинлантирувчи сатрларни баралла такрор-такрор айтгингиз келади.

Ҳа, касбидан, мавқеидан, қаерда ишлаши ва яшашидан қатъий назар ҳаммани бу ерга меҳр-оқибат туйғуси етаклаб келган эди.

Давра хизматига бел боғлаганларнинг қўли-қўлига тегмайди. Болалар уйи директорининг ўринбосари М. Муҳаммадиева бошчилигидаги жамоа меҳмонларга пешвоз турибдилар. Созанда ва рақкосалар ўз санъатлари билан тўй даврасига ўзгача шукуҳ бахш этмоқдалар.

Тўй якунида сўзга чиққан болалар уйи директори Марҳабо Хўжаева тўй ташкилотчиларига, ҳомийларга, тўйга келган барча меҳмонларга миннатдорчилик билдирди.

Орадан бир кун ўтиб эса тўй вилоят гўдаклар уйида давом эттирилди. Бу ерда бир йўла 20 нафар жажжи кичкинтойларга янги охорли тўй кийимлари кийдирилди, уларга кўплаб совға-саломлар улашилди. Карнай ва сурнай садолари, хонанда ва созандалар куй ва қўшиқлари кун бўйи тўйхона бўйлаб таралди.

Суннат тўйига Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири С. Рустамов, район Кенгашининг раиси А. Ашуров, ЎзХДП район кенгашининг биринчи котиби С. Ниғматов, кенгаш котиби Н. Маҳмудовлар ташриф буюрдилар ва тўйболаларни муборакбод этдилар.

Наврўз тантаналари мустакил жумҳуриятимиз бўйлаб давом этаётган бир шароитда Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Китоб район кенгаши ана шундай яхши бир ташаббус билан чиқди.

А. БОБОЕРОВ.
С. МАМАНОВ.

● САМАРҚАНД. Улуғбек номли маданий марказнинг энг яхши лойиҳасини яратиш бўйича меъморларнинг халқаро кўриги ғолиблари аниқланди.
Суратда: кўрик ғолиблари (чапдан ўнгга) — Стефан Мак Дугал (Янги Зелландия), Фаруҳ Йордансноглу (АҚШ), Александр Ларин (Россия), Хироши Ото (Япония) ва Патрик Бергер (Франция).
Р. ҒОФУРОВ олган сурат (ЎзА).

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

БИККС

Мармар кошоналар ҳашамати сизга хам муносиб!

"ЭКОГРАН" янги пардозлаш материали — бу мармарнинг серхашам кўрки-ю айтарлича арзон нархининг ноёб уйғунлигидир.

"БИККС" ассоциацияси тавсия этаётган "ЭКОГРАН" ксилолит кошинлари экологик соф магнезиал цемент ва бишофит асосида тайёрланган.

Намликни ўзига тортиб оладиган, алангаланмайдиган бу хилдаги кошинлардан ички ва ташқи пардозлаш ишларида бирдай фойдаланиш мумкин булиб, улар билан ишлаш осон ва қулайдир.

"БИККС" ассоциацияси мармар, малахит ва бошқа ярқирама рангдор тошларнинг энг сара жинсларига тенглаша оладиган, хилма-хил ўлчам ва ранглардаги "ЭКОГРАН" пардозлаш материалини тавсия этади.

ШОШИЛИНГ!
МАРМАР СИРА ТАОМИЛДАН ТУШМАЙДИ!

Манзилимиз: 700146, Тошкент шаҳри, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча.

" АЛИНА" кичик жорий этиш корхонаси.

Тошкентдаги телефонлар: 91-31-08, 90-94-85, 98-64-53, 68-70-35.

" САРБОН" Ўзбекистон реклама агентлиги.

• ФУТБОЛ •

«УЧАР»ЛАРГА ЎРИН ЙЎҚ

РЕСПУБЛИКА ФУТБОЛ УЮШМАСИ МУТАСАДДИЛАРИ ЭЪТИБОРИГА

ПЕШҚАДАМЛАР МАВҚЕИ

● ОЛИЙ лига жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг еттинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди.

Бу сафарги учрашувларда пешқадамлар имкониятни бой беришди. Жумладан, Қўқоннинг «Темирйўлчи» футболчилари кетма-кет ғалабалардан кейин тўққизта очко билан ягона пешқадамлик қилишаётган эди. Улар навбатдаги учрашувни Наманганда «Навбаҳор» майдонида ўтказиб дарвозаларидан иккита жавобсиз тўп ўтказиб юборишди. Ҳозир темирйўлчилар тўққизта очко билан олдинда боришаётган бўлсада, «Нурафшон» ва «Наврўз» жамоалари мавқеи жиҳатидан уларга тенглашиб олишди.

«Нурафшон» бу галги учрашувни ўз майдонида «Суғдиёна» жамоасини қабул қилиш билан ўтказди. Учрашув мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Майдон эгаларининг учта тўпига меҳмонлар битта тўп билан жавоб қайтаришди. «Наврўз» футболчилари эса «Косонсойчи» жамоасини қабул қилишди. Бу ўйин 2:1 ҳисобида тугади. Шундай қилиб, мезбонлар фойдасига ҳал бўлган ҳар иккала учрашувдан кейин «Нурафшон» билан «Наврўз» тўққизтадан очко билан мавқеиларини мустаҳкамлашди. «Суғдиёна» 8 та очко билан кучли олтиликдан жой олиб турган бўлса, «Навбаҳор» ҳам шунча очко билан ана шундай имкониятга эга бўлди. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд этилди: «Сурхон» — «Кимёгар», «Орол» — «Пахтакор-79» учрашувлари 2:2 ҳисобида тугади. «Мароқанд» — «Янгиер» 2:1, «Чирчиқ» — «Нефтчи»—2:1, «Трактор» — «Шаҳрихончи» — 4:1. «Пахтакор», «Мароқанд», «Трактор» жамоаларида еттитадан очко бор.

Мустақиллик шарофати билан спортнинг барча турлари, хусусан футбол бўйича ҳам Ўзбекистон миллий чемпионати ўтказилмоқда. Чемпионат иштирокчилари орасида Термизнинг «Сурхон» жамоасининг борлигидан беҳад мамнунмиз .

Ният шулки, Ўзбекистоннинг спорти жаҳонга танилсин, байроғимиз дунё ўйингоҳлари тоқида ҳилпирасин, деймиз. Спортнинг энг оммавий тури — футболимиз довруғ солишини истаймиз.

Бироқ, ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Спорт, бу энг ҳалол меҳнат. Тирноқча адолатсизлик, бир ёқламалилик, ғирромлик спортнинг табиати билан ошно бўлолмайди. Худди шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мен футболимизнинг бугунги аҳволи, дилни ўртайдиган муаммолари хусусида айрим жамоалар мисолида ўз мулоҳазаларимни ўртага солмоқчиман.

Гапни, табиийки «Сурхон»дан бошлайман. Бу жамоа таърифи хусусида батафсил тўхталиб ўтиришга ҳожат йўқ. Чунки, «Сурхон»ни республика спорт жамоатчилиги, футбол ишқибозлари яхши билишади десам, хато қилмайман. «Сурхон»да сабоқ топиб, турли йилларда республикамиз футболининг сарбони—«Пахтакор»да тўп сурган Марат Кабаев, Асад Дўрмонов, Ержон Ералиев, Александр Афанасьев, Ренат Файрузов, Альберт Цараевларнинг мароқли ўйинлари мухлису мутаҳассислар назарига тушган.

Жамоа ташкил топганига ўттиз йилдан ошиб қолган бўлсада, тўғриси шароитдан ёлчимади. Жамоанинг номлари алмашди, ҳомийлари ўзгарди. Ҳомийсиз қолган пайтлар ҳам бўлди. Ҳатто, арзимас маошларини уч-тўрт ойлаб ололмай қолинган кезлар бўлди. Мағлубият аламидан қаттиқ ранжиб, куюнса ҳам жамоа ўзини йўқотмади. Жанговар анъаналарга содиқ қолди. Гоҳида пеш, гоҳида ортда қолса ҳам ўз ўрнини йўқотмади. Бундай собитликнинг сири менимча «Сурхон» четдан ўйинчилар ёлламай, «учар»ларга қизиқмаганида эди. Яхшидир-ёмондир, ички имкониятлардан изланади.

Қуруқ қошиқ оғиз йиртар, дейдилар. Лекин мен «Сурхон» республиканинг биринчи қутлуғ чемпионатида зўр ўйин кўрсатиб, ҳаммани қойил қолдиради, демоқчи эмасман. Аксинча, жамоани кўп йиллардан буён билган ва унинг ташвишу қувончларига шерик бир мухлис сифатида «Сурхон»нинг бугунги аҳволидан ташвишда эканлигимни билдирмоқчиман. Боиси, ўйину қизғин баҳс тақдирини маҳорат ва истеъдод ҳал қилади. «Сурхон»да истеъдодлилар етарли дейиш қийин. Зеро, йўқ эмас, бор. Афсуски, улар ҳам жамоани тарк этишни ихтиёр этмоқдалар. Тўғрироғи айрим «чаққон» мураббийлар «Сурхон»га юз-кўзинг борми демай, унинг истеъдодларини олиб кетишмоқда. Масалан, яқинда Республика футбол федерацияси Ўзбекистон олий табақасида қатнашувчи футболчилар рўйхатини эълон қилди. Шу рўйхатда бошқа жамоалар сафида 12 та сурхондарёлик футболчи борлигининг гувоҳи бўлдик.

Агар улар ўзимизда бўлганида, биз ҳеч иккиланмай чемпионликка даъвогарлик қилардик.

Яна бир мисол. Ҳозир республикамизнинг энг бақувват футбол жамоаларидан бири сифатида танилган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоасида олти нафар сурхондарёлик ўйинчи бор. Айниқса, Равшан Бозоров, Рустам Дўрмоновларнинг нефтчилар сафига қўшилгани ачинарлидир. Бундай «ўтиш»нинг тарихи қизиқ. Иккаласи ҳам «Сурхон»да ёшликдан тарбияланди. Шахсан ўзим, ўша пайтда вилоят партия қўмитасининг ташвиқот бўлими мудири сифатида бу иш билан алоҳида шуғулланганман. Улар ҳарбий хизматни Таллин шаҳрида ўташди. Иккаласининг ҳам хизматини ўша шаҳардаги нуфузли футбол жамоасида ўтказишга ҳомийлиқ қилдик. Аҳволларидан хабар олиб турдик. 1989 йили улар ўз жамоаларига қайтишди.

Яхшининг бозори чаққон бўларкан. Нефтчилар бош устози Ю. Саркисьян йигитларимизни кўз остига олди. Ўшанда «Нефтчи» гуруҳи ғолиб бўлиб, биринчи табақага чиқмоқ учун яна икки команда билан куч синашмоғи лозим эди. Энди сир эмас. Саркисьян ўша ўйин учун иккала сурхончимизни вақтинчага сўраганди. Унинг бир вақтлар «Сурхон»да ўйнаганини юз-хотир қилиб, таклифини қабул қилганмиз. Бироқ, Саркисьян аҳдини бузди. Йигитларимизни ўзига оғдириб олди.

Биз ҳам қараб турмай, Равшан билан Рустамни «Пахтакор»га тавсия қилдик. Фикримизни юқори идораларгача билдирдик. Бироқ Саркисьяннинг таъсири устиворлик қилдими, таклифларимиз инобатга ўтмади. Мен ушбу фикрдан ҳозир ҳам қайтганим йўқ. Чунки бу иккала футболчи республикамизнинг бош жамоасида ўйнаши лозим.

В. Андреев Термизда футбол сирларини ўрганиб, кейинги йиллар «Нефтчи»да тўп сурди. Ўтган йили Саркисьянга «ёқмай» қолдими, уни жамоадан четлаштирди. Уни биз командага қайтариб беришни Саркисьяндан сўрадик. Бунга Андреев ҳам рози эди. Аммо, у футболчини жиззахлик Петрусевич билан алмаштиришни лозим топди. Акс ҳолда уни бошқа командага ўйнаш ҳуқуқидан маҳрум этмоқчи бўлди. Бу таклифни футбол уюшмаси ҳам маъқуллади.

Бу йил Саркисян «Сурхон»дан яна тўрт нафар ўйинчини олиб кетди. Булар ака-ука Асад ва Равшан Дўрмонов, Е. Ералиев ва А. Горшковлар эди. Футболда ҳам қоида-қонунлар бор, ахир, бунинг устига «Сурхон» раҳбарларини норози қилиб, қоида-тартибни бузган бу ўйинчилар эса нефтчилар билан ўйнаб юришибди. Бу гал ҳам республика футбол уюшмаси Саркисьянга пешвоз чиқди.

Футбол қондаларига биноан бундай қилмишлар учун жамоага жарима солиниб, мағлубият ёзиларди. Зеро, фарғоналиклар «Сурхон» футболчилари ҳисобига очко тўплашяпти. Бу кетишда республика футбол уюшмасининг «Нефтчи» раҳбарларига чора кўрмаслиги аниққа ўхшайди. Лекин фарғоналик мухлислар «Нефтчи» ниманинг ҳисобига обрў орттираётганини билиб, ҳолис фикр юритадилар, деб умид қиламиз.

Саркисьян республика футболи мутасаддиларига ҳам сўзини ўтказиб, ишини битириб юрганига ишончимиз комил. Боиси, биздан кетиб қолган ўйинчиларимизни қайтаришини ёки товон тўлашларини сўраб, Республика жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ва футбол уюшмасига бир неча бор мурожаат қилдик. Лекин, «нима гап» дейдиган одам топилмади. Буни қандай тушуниш керак.

Мустақил Ўзбекистон БМТ аъзоси бўлди. Ўзбекистон спорти халқаро спорт сари одимламоқда. Халқаро футбол федерациясига ҳақиқий аъзолик тасдиқланиш арафасида. Шундай шарафли ва масъулиятли дамларда «учар» футболчилар билан шуғулланмай, иқтидорларни излаш ва тарбиялашга эътиборни қаратсак айни муддао бўларди. Ўйлаймизки, республика чемпионати ўтказиш тартиблари тўғрисида қатъий низомни ишлаб чиқиш вақти етди. Мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи миллий чемпионатидаёқ ташкилий ва тадбирий ишларни ибратли тарзда уюштириб, футболчиларнинг мароқли ва мазмунли ўйин кўрсатишига эришмоқ зарур.

Ҳ. ЭРМАТОВ,
Сурхондарё вилояти футбол уюшмаси аъзоси.

• МАВЗУГА ҚАЙТИБ •

ТЎРАЛАРЧА МУНОСАБАТ

● Рўзномамизнинг шу йил 16 март сонида «Халқ посбонлари» сарлавҳали мақола босилганди. Унда моддий бойликларни республикамиздан ташқарига олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи давлат инспекциясининг Косонсой районидаги бўлими фаолияти ҳақида қисқача ҳикоя қилинганди. Бўлим хизматчилари Косонсой районидаги «Шарбат» кичик корхонасидан уч тонна шакар ва Андижон ёғ-мой экстракция заводидан 5212 килограмм кир совунини республикамиздан ташқарига олиб чиқиб кетилаётганда ушлаб қолгани айтилган эди.

Яқинда биз мазкур давлат назоратчилари ҳузурида бўлиб, халқимиз ризқига чанг солаётган бундай кимсаларга ҳамда уларга ҳомийлик қилаётган ташкилот, корхона раҳбарларига нисбатан қандай чора кўрилаётгани билан қизиқдик.

— Моддий бойликларни республикамиздан ташқарига олиб чиқиб кетишнинг олдини олиш ҳақидаги республика Олий Кенгаши қарори чиққанига унча кўп вақт бўлган йўқ, — дейди биз билан суҳбатда Косонсой районидаги давлат назорати пости бошлиғи, милиция подполковниги Нуриддин Абдувалиев. — Шу қонун чиққунга қадар республикамиздан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган маҳсулот мусодара қилинарди, холос.

Ўзбекистон республикаси Олий Кенгашининг қарори чиққанидан кейин биз шу асосда иш юритяпмиз. Республикамиздан ноқонуний олиб чиқиб кетилаётган товар-моддий бойликлар мусодара қилинмоқда ҳамда белгиланган тартибни бузган фуқароларга эса юз сўмдан беш юз сўмгача, мансабдор шахсларга беш юз сўмдан бир минг сўмгача жарима солинмоқда.

— Моддий бойликларни республикамиздан ташқарига олиб чиқиб кетиш ҳоллари камайдими?

— Йўқ, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни республикамиздан ташқарига турли ноқонуний йўллар билан олиб чиқиб кетиш ҳоллари давом этмоқда. Ачинарлиси шундаки, айрим мансабдор шахслар давлат назоратчиларига нисбатан қўпол муомалада бўлишаётир. Масалан, Андижон ёғ-мой экстракция заводи раҳбарлари мисолида буни яққол кўриш мумкин. Яхшиси, бу ҳақда шу масала билан шуғулланган ўринбосарим Равшан Сафаров айтиб бера қолсин.

Милиция лейтенанти Р. Сафаров бундай деди:

— Андижон ёғ-мой экстракция заводидан Қирғизистон республикасининг Олабуқа районига 5212 килограмм кир совуни олиб кетаётган машина тўхтатилиб, ҳужжати текширилганда завод билан Олабуқа район матлубот жамияти ўртасида товар айрибошлаш тўғрисида шартнома ёки махсус рухсатнома йўқлиги маълум бўлганди. Биз бу масала билан жиддий шуғулланишимиз керак, деган қарорга келдик. Мен мазкур корхонага бориб, совунни четга сотиб юборишга рухсат берган шахс — завод директори муовини Абдусамад Расулов билан учрашдим. Республика Олий Кенгаши қароридан келиб чиқиб, унга аҳволни тушунтирдим ва мутасадди раҳбар сифатида давлат назорати постига бориб, биз ушлаб қолган маҳсулотни кўришини, бу масала муҳокамасида иштирок этиши лозимлигини айтдим. Давлат назоратчилари заводда ишлаб чиқарилган маҳсулотни ушлаб қолганидан ҳушёр тортиш ўрнига у кишининг жаҳли чиқди. «Арзимаган нарса учун мен у ёққа бормайман, керак бўлса, ўша 5212 килограмм совунни Наманган вилояти фондидан қисқартириб юораман», — деди. Шундан сўнг ўша совун махсус комиссия хулосасига кўра мусодара қилинди. Абдусамад Расуловга эса 800 сўм жарима тўлаши кераклиги кўрсатилган қоғоз юборилди. Лекин орадан шунча вақт ўтишига қарамай Расулов жаримани тўлагани йўқ.

...Ана сизга тўраларча муносабат. Қаранг, 5212 килограмм совун А. Расулов учун арзимаган нарса эмиш. Устига устак, у кишининг: «Наманган вилояти фондидан қисқартириб юораман», — дея аччиқ қилганига нима дейсиз?

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТР ТЕХНИКА АЛОҚА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1992 — 93 ўқув йили учун

сиртқи бўлимнинг 1 курсига қуйидаги ихтисослар бўйича

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— АВТОМАТ ЭЛЕКТР АЛОҚАСИ (ШИФР 2305: ихтисос йўналишлари — электр алоқасининг бошқарув системалари; дискрет маълумотларни узатиш; автомат коммутация тизимлари).

— КЎПКАНАЛЛИ ЭЛЕКТР АЛОҚАСИ (ШИФР 2306: ихтисос йўналишлари — алоқа ускуналари ва иншоотларини монтаж қилиш; кўпканалли узатиш тизимларини лойиҳалаштириш ва фойдаланиш).

— РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ ВА ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР (ШИФР 2307).

— АЛОҚАДА ИҚТИСОД ВА БОШҚАРУВ (ШИФР 0710).

Аризалар 1 июндан 12 июлгача қабул қилинади. Қириш имтиҳонлари 13 июлдан 25 июлгача, талабалар сафига қабул қилиш 31 июлда ўтказилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: ўрта ёки олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат (асли), 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат, иш жойидан маълумотнома ёки меҳнат дафтарчасидан кўчирма (меҳнат фаолиятига эга бўлганлар учун). Паспорт ва ҳарбий хизматга доир ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ситқи бўлимга кирувчилар қуйидаги фанлар бўйича 3 (уч)та танловли имтиҳон топширадилар: математика (ёзма), физика (оғзаки), ўзбек (рус) тили — диктант.

Қириш имтиҳонлари беш балли система бўйича баҳоланади: «5», «4», «3», «2»,.

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медал билан, ўрта махсус ўқув юртини ёки ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар математика (ёзма)дан битта ихтисосга доир имтиҳон топширадилар.

«5» баҳо олинганда абитуриент бошқа имтиҳонлардан озод этилиб, олий ўқув юртига қабул қилинади, бошқа ижобий баҳолар олинганда эса мазкур ихтисос учун белгиланган барча имтиҳонларни топширадилар.

Ўрта маълумот негизидаги ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар ўзлари эгаллаган касб йўналиши бўйича олий ўқув юртига ўқишга кираётган ҳоллардагина юқоридаги тартибга амал қилинади.

Қабул Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилда олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари асосида амалга оширилади.

Олий билимгоҳда 1 июндан 30 июнгача кириш имтиҳонларига тайёрлайдиган пуллик курслар ишлаб турибди (телефон: 35-97-91).

Қўшимча ахборотларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700084, Тошкент шаҳри, Е-84, Энгельс кўчаси, 108-уй, ТЭИС қабул комиссияси.

Телефонлар: 35-77-75, 35-10-52.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент доришунослик олий билимгоҳи ректори С. И. Искандаровга онаси

Жумагул ая ДУСОВАнинг

вафот этганликлари муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси республика бўлими муҳаррири М. Холиқовага волидаи муҳтарамаси

Меҳринисо МАНСУРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

●389.680 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—71.

№ 84.

Рўзнома офсет усулида А—2 формати да босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.